



ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ
МИЛЛИЙ МАЛАКА ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ

МИЛЛИЙ МАЛАКАЛАР СОҲАСИДАГИ ХОДИМЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАЛАБЛАРИ



2025

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ

**МИЛЛИЙ МАЛАКА ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ИНСТИТУТИ**

**МИЛЛИЙ МАЛАКАЛАР СОҲАСИДАГИ
ХОДИМЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДАВЛАТ
ТАЪЛИМ ТАЛАБЛАРИ**

Тошкент – 2025

**МИЛЛИЙ МАЛАКАЛАР СОҶАСИДАГИ
ХОДИМЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДАВЛАТ
ТАЪЛИМ ТАЛАБЛАРИ**

Расмий нашр

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАЛАБЛАРИ

**МИЛЛИЙ МАЛАКАЛАР СОҲАСИДАГИ ХОДИМЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДАВЛАТ ТАЪЛИМ
ТАЛАБЛАРИ**

Расмий нашр

**ГОСУДАРСТВЕННЫЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ТРЕБОВАНИЯ
ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ РАБОТНИКОВ,
ОТВЕТСТВЕННЫХ ЗА РАЗВИТИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ
КВАЛИФИКАЦИЙ**

Официальное издание

**THE STATE EDUCATIONAL REQUIREMENTS FOR IMPROVING
THE QUALIFICATIONS OF EMPLOYEES RESPONSIBLE FOR THE
DEVELOPMENT OF THE NATIONAL QUALIFICATIONS SYSTEM**

Official publication

Тошкент – 2025

СЎЗ БОШИ

1. Миллий малака тизимини ривожлантириш институти томонидан **ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ ВА ТАСДИҚЛАШГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.**

2. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан **ТАСДИҚЛАНДИ.**



МУНДАРИЖА

Кириш	10
1. Умумий қоидалар	11
2. Таърифлар	12
3. Қўлланиш соҳаси	13
4. Норматив-ҳуқуқий асослар	14
5. Миллий малакалар соҳасидаги ходимларнинг малакасини ошириш тизимининг таркиби	15
6. Миллий малакалар соҳасидаги ходимларнинг малакасини ошириш турлари ва шакллари	17
7. Ўқув юқламасининг ҳажми	18
8. Миллий малакалар соҳасидаги ходимларнинг малакасини ошириш таълим дастурларига қўйиладиган талаблар	19
9. Миллий малакалар соҳасидаги ходимларнинг малакасини оширишга қўйиладиган касбий талаблар	20
10. Таълим тўғрисидаги ҳужжатлар	22
11. Ходимлар малакасини ошириш тизимининг меъёрий ҳужжатлари	23
12. Кадрлар малакасини оширишни назорат қилиш ва сифатини таъминлаш	24

КИРИШ

1. Ушбу Давлат таълим талабалари Миллий малакалар соҳасидаги ходимларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат таълим талаблари Таълим тўғрисидаги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий малака тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 30-сентябрдаги 345-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 27 мартдаги 157-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Миллий малакалар соҳасидаги ходимларнинг малакасини оширишга қўйиладиган Давлат таълим талаблари норматив ҳужжат ҳисобланади.

2. Давлат таълим талаблари тингловчиларнинг малакасини ошириш тизимига қўйиладиган мажбурий талабларни белгилайди.

3. Давлат таълим талаблари Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 27 мартдаги 157-сон қарорида кўзда тутилган таълим соҳасидаги асосий принципларга мувофиқ тингловчилар малакасини оширишнинг мақсад ҳамда вазифаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

4. Давлат таълим талаблари малака оширишнинг услубий методикаларини, таълим дастурларини, шунингдек ўқув жараёнини, таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш тартибини ҳамда бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

5. Миллий малака тизимини ривожлантириш институтининг буйруғи билан ижрога йўлланади.

1.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Давлат таълим талаби Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси миллий малака тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 30-сентябрдаги ПҚ-345-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Тармоқ кенгашлари аъзолари ва малакани баҳолаш марказлари ходимлари ва экспертларининг малакасини ошириш тизими мазмунига қўйиладиган минимал талабларни белгилайди.

1.2. Давлат таълим талаблари ўқув режалари ва дастурларини, шунингдек, таълим жараёнини тартибга солувчи бошқа ҳужжатларни, таълим сифатини мониторинг қилиш ва баҳолаш тартибини, мутахассисларнинг малакасини ошириш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

1.3. Давлат таълим талаблари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболлари, миллий малака тизимини ривожлантириш тенденциялари, таълим ва меҳнат бозори интеграциясини таъминлаш, норасмий ва информал таълим натижаларини тан олиш жараёнлари бўйича таълим мазмунини белгилайди. Ушбу давлат таълим талаби миллий малака тизимини ривожлантириш субъектларининг эҳтиёжлари, янги инновацион технологиялар ва таълимнинг ноанъанавий шакллари ривожлантириш, жаҳон ютуқларидан келиб чиққан ҳолда тузатилиши ва тўлдирилиши мумкин.

2.1. Мазкур Давлат таълим талабларида қуйидаги атамалар қўлланилади:

давлат таълим талаблари — таълимнинг тузилмасига, мазмунига ва уни амалга ошириш шарт-шароитларига, шунингдек, таълим олувчиларнинг жисмоний, шахсий, интеллектуал, илмий ҳамда касбий сифатларига қўйиладиган мажбурий талаблар;

ўқув режа — блоклар ва ўқув фанлари (модуллар)нинг номларини, уларни ўзлаштириш учун ажратилган соатлар ҳажмини ҳамда тингловчиларнинг билимларини назорат қилиш шакллари белгилаб берувчи норматив ҳужжат;

тренинг — ўқитиш ва маълумот беришнинг бир шакли ҳисобланиб, берилаётган маълумотлар тематикаси ҳамда ҳажми аниқ, чегараланган бўлади.

ўқув дастури — ўқув курсининг таълим мазмунини, унинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилишининг мақсадга мувофиқ усуллари ташкил этишни назарда тутадиган, ахборот манбаи бўлган, мутахассисликларнинг касбий малака талаблари, ўқув курсининг асосий мазмуни ва методик тузилишини аниқлаб берувчи асосий ҳужжат;

мустақил малака ошириш — манфаатдор томонлар талабларига мувофиқ янги билимлар, малака ва кўникмаларни мутахассислар томонидан мустақил ўзлаштириш, ўзини-ўзи касбий ривожлантириш шакли;

муқобил малака ошириш — мустақил малака ошириш шаклларида фойдаланиб, индивидуал касбий маҳорат натижалари тасдиғини амалдаги бевосита малака ошириш шаклларига тенглаштирилган шакли;

узлуксиз малака ошириш тизими — манфаатдор томон мутахассислари касбий компетентлигини замонавий талаблар билан уйғунлаштириш, мунтазам равишда ривожлантириб бориш имкониятини берувчи кўп босқичли тизим;

малака ошириш — аниқ йўналтирилган дастурларга мувофиқ, билимлар, касбий маҳорат ва кўникмаларни янгилаш бўйича ўқув дастурларини ўзлаштириш;

масофавий малака ошириш — ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали малака оширишнинг онлайн шакли;

таълим сифатини назорат қилиш — ўқитиш мазмуни ва натижаларининг Давлат таълим талабларига мувофиқлигини текшириш.

3.

ҚЎЛЛАНИШ ДОИРАСИ

3.1. Давлат таълим талаблари узлуксиз таълимнинг барча турларида Миллий малакалар соҳасидаги ходимларнинг малакасини ошириш учун давлат таълим талаблари қўлланилади ва қуйидагиларни белгилайди:

- малака оширишнинг асосий турлари ва шакллари;
- кадрларнинг малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган умумий талаблар;
- малака ошириш курслари учун ўқув юкламалари ҳажми;
- таълим сифатини мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби.

4.

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР

4.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси миллий малака тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 30 сентябрдаги 345-сонли қарори.

4.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 27 мартдаги 157-сон қарори.

МИЛЛИЙ МАЛАКАЛАР СОҲАСИДАГИ ХОДИМЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИ

5.1. Миллий малакалар соҳасидаги ходимларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этиш ва бошқаришнинг намунавий тузилмаси давлат таълим талаблари ва тегишли турдаги кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш сифати мониторинги натижалари ўртасида ўзаро фикр алмашишни ўрнатган ҳолда проактив тамойилга асосланади.

5.2. Миллий малакалар соҳасидаги ходимларнинг малакасини ошириш тизимига тегишли ваколатли давлат бошқаруви органи “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офиси, Миллий малака тизимини ривожлантириш институти (кейинги ўринларда — Ишчи орган), Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари ва Малакаларни баҳолаш марказлари ва буюртмачилар қиради.

5.3. Тегишли таълим туридаги ваколатли давлат бошқаруви органи:

- малака ошириш соҳасида умумий раҳбарликни амалга оширади;
- малака ошириш соҳасида ўқув жараёнини такомиллаштириш механизмлари ва усуллари белгилайди;
- малака ошириш соҳасидаги тегишли норматив ҳужжатларни тасдиқлайди.

5.4. Ишчи орган:

- малака оширишнинг ягона норматив-ҳуқуқий базасини ишлаб чиқади;
- ўқув режа ва дастурлар ҳамда методик ресурсларни ишлаб чиқади;
- малака ошириш жараёнини ташкил қилади;
- малака ошириш жараёнида таълим сифатини таъминлайди ва доимий мониторингини юритади.

Ишчи органнинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- миллий малака тизимига оид ўқув-услубий ҳужжатлар ва тарқатма материалларни ишлаб чиқишни ташкил қилиш;
- тармоқ кенгашларининг ўқув-услубий фаолияти бўйича маслаҳатлар бериш;
- малака ошириш бўйича тармоқ кенгашларида таълим сифатини мониторинг қилиш ва баҳолаш;
- малака ошириш курслари иштирокчиларининг ягона реестрини юритиш.
- курслар доирасида малака ошириш курсларини юқори савияда ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-услубий, моддий-техника базасини яратади;
- танқидий ва ижодий фикрлашни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитишнинг интерфаол усулларида, шунингдек, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда малака оширишнинг ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш.

5.5. Миллий малака тизими мутахассислари малакасини ошириш **буюртмачилари** вазирлик ва идоралар, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Буюртмачилар:

- ҳар йили мутахассисларнинг сони ва сифатини, касбий тайёргарлиги ва ихтисослигининг белгиланган даражасини, иш тажрибасини, айрим ходимларнинг иш фаолияти ва шахсий кўникмаларини таҳлил қилиш асосида уларнинг малакасини оширишга бўлган эҳтиёжини мустақил равишда белгилайди;
- малака ошириш курсларини муваффақиятли тамомлаган мутахассисларнинг илғор тажрибаси, янги билим ва кўникмаларини оммалаштиришни ташкил этади, уларнинг ижобий тажрибасини оммалаштириш чораларини кўради;
- малака ошириш курсларининг ички мониторингини олиб боради, юқори самарадорлик кўрсаткичларига эга бўлган мутахассисларни моддий рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқади ва жорий қилади, шунингдек, бўш иш ўринларини эгаллаш учун танлов ўтказиш жараёнида улардан асосий мезон сифатида фойдаланади.

МИЛЛИЙ МАЛАКАЛАР СОҲАСИДАГИ ХОДИМЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

6.1. Малака ошириш касбий билим, кўникма ва малакаларни чуқурлаштириш ва янгилашни таъминловчи, кадрлар тоифаси, даражаси, мартабаси ва лавозимини оширишга хизмат қилувчи ўқитиш шакли.

6.2. Малака ошириш шакллари:

- тўғридан-тўғри малака ошириш (таълим дастурлари бўйича ўқитиш);
- масофавий таълим;
- хорижий давлатларда стажировка ўташ;
- тренинглар;
- илмий-амалий семинарлар, конференциялар, саммитлар ва бошқаларда қатнашиш.

Тўғридан-тўғри малака ошириш — асосий ишдан тўлиқ ёки қисман ажралган ҳолда малака ошириш курси ташкил қилинган муассасада малака ошириш.

Масофавий таълим — бу ходимлар таркиби ва тингловчилар турли ҳудудий зоналарда жойлашганда замонавий АКТ (Ахборот – коммуникация технологиялари) воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг ташкилий шаклидир. Амалдаги технологияларнинг имкониятларига ва ўқув жараёнини ташкил этишга қараб, масофавий таълим бир қатор кўринишларга эга (кейс технологияси, онлайн ва синхрон (талаба томонидан веб-сайтда мустақил равишда ўрганиш, электрон почта орқали, индивидуал режалар бўйича), синхрон (видео-аудио конференциялар, онлайн тестлар, онлайн имтиҳон ёки интервью, вебинарлар ва ҳоказо)).

Хорижий давлатларда стажировка ўташ — ходимни касбий компетентлигини ривожлантиришга қўмаклашиш учун хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан ажратиладиган грантлар бўйича, шунингдек буюртмачи билан институтнинг ўзи ўртасида тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

Тренинглар, семинарлар — олдиндан эълон қилинган мавзулар бўйича гуруҳларга бўлинган ҳолда, замонавий технологиялар ва интерфаол ўқитиш усулларида фойдаланган ҳолда, жадвал асосида олиб бориладиган назарий ва амалий машғулотлар. Маърузачилар маълум бир билим соҳасидаги тажрибали экспертлар, ўқитувчилар, олимлар ва мутахассислардир.

Илмий-амалий семинарлар, конференциялар, саммитлар ва бошқаларда иштирок этиш — миллий малака тизимини ривожлантириш ва тармоқ кенгашлари фаолиятининг долзарб масалалари бўйича маърузалар билан ходимларнинг тақдимотлари. Мутахассисларнинг илмий ёки амалий семинар ва конференцияларда иштирок этиши уларга ахборот ва иш тажрибаси алмашиш, меҳнат бозорини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва илғор инновацион технологиялар билан танишиш, уларнинг касбий малакаси даражасини оширишга ҳисса қўшиш имконини беради.

7.1. Миллий малакалар соҳасидаги ходимларнинг малакасини оширишнинг даврийлиги ва давомийлиги уни ташкил этиш шаклига ва мутахассиснинг малака даражаси (рейтинги) ва индивидуал касбий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда буюртмачи томонидан қўйиладиган талабларга боғлиқ.

7.2. Миллий малакалар соҳасидаги ходимларнинг малакасини ошириш курсларининг давомийлиги:

Малака ошириш курсларининг давомийлиги малака ошириш мазмунидан келиб чиққан ҳолда 72 соатгача бўлиши мумкин.

Бундан ташқари тармоқ кенгашлари ва буюртмачилар таклифлари, халқаро ташкилот ва лойиҳалар билан ҳамкорликда семинар ва тренинглар кўринишида малака ошириш ташкил этилади.

Малака ошириш курсларининг даврийлиги ва давомийлиги Институт томонидан мустақил равишда белгиланади.

МИЛЛИЙ МАЛАКАЛАР СОҲАСИДАГИ ХОДИМЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

8.1. Миллий малакалар соҳасидаги ходимларнинг малакасини ошириш намунавий ўқув режалари ва дастурлари (тренинг дастурлари) асосида амалга оширилади. Ўқув режа ва дастурлар заруратга қараб янгиланади.

8.2. Малака оширишга қўйиладиган асосий талаблар мутахассислик бўйича зарур ва етарли билим ва кўникмаларни ҳисобга олган ҳолда, касбий стандартларга ва мутахассиснинг малака хусусиятларига қатъий риоя қилиш тамойилларига асосланади.

8.3. Ўқув дастурида тингловчиларнинг билимларни мустақил эгаллаш ва ўзлаштириш қобилияти ҳисобга олиниши керак.

8.4. Ўқув дастури қуйидаги таркибий элементларни ўз ичига олиши керак:

- титул варағи;
- тушунтириш хати (ўқув дастурининг асосий йўналиши; янгилиги, долзарблиги, амалга оширилиши мумкинлиги; мақсад ва вазифалари; ушбу ўқув дастурининг мавжудларидан(бошқа) фарқли хусусиятлари);
- ўқув дастури мўлжалланган аудитория, амалга ошириш муддатлари (таълим жараёнининг давомийлиги, босқичлари), дарсларнинг шакллари ва тартиби, кутилаётган натижалар ва назорат усуллари;
- ўқув ва тематик режа (модуллар, мавзулар рўйхати);
- мазмуни (мавзуларнинг қисқача тавсифи (назария ва амалиёт));
- услубий таъминот.

МИЛЛИЙ МАЛАКАЛАР СОҲАСИДАГИ ХОДИМЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН КАСБИЙ ТАЛАБЛАР

9.1. Тармоқ кенгаши котиблари, аъзолари, малакани баҳолаш марказлари ходимлари ва баҳоловчиларининг функционал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда малака ошириш курслари таълим мазмуни шакллантирилади.

Миллий малакалар соҳасидаги ходимларнинг малакасини ошириш қўйидаги йўналишлар бўйича билимларни чуқурлаштириш, шунингдек, касбий маҳорат ва кўникмаларни оширишни таъминлаши керак:

- миллий малака тизимини тартибга солувчи қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларини ўрганиш;
- миллий малака тизимининг таркибий компонентларини ишлаб чиқиш;
- малакаларни баҳолаш жараёнини ташкил этиш.

9.2. Тармоқ малака рамкалари ва касбий стандартларни ривожлантириш бўйича Тармоқ кенгаши котиблари, тармоқ кенгаши ва ишчи гуруҳ аъзолари:

- Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари фаолиятини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини;
- Тармоқ кенгашлари вазифа ва ҳуқуқларини;
- тармоқ малака рамкалари ва касбий стандартларни ишлаб чиқиш жараёнини;
- меҳнат бозорини таҳлил қилишни;
- касблар бўйича шакллантирилган классификаторни;
- касбий стандартлар, меҳнат қонунчилиги, замонавий технологиялар ва методологияларга доир билимларни олиш;
- касбий стандартларнинг вазифалари;
- меҳнат бозоридаги касбий фаолиятни тартибга солувчи асосий қонунлар, стандартлар ва қоидаларни билиш;
- меҳнат бозорини таҳлил қилишни;
- касбий стандартларни тузиш бўйича илғор жаҳон тажрибаларини ўрганиш;
- Миллий малака тизимидаги илғор жаҳон тажрибаларини билиши;
- Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари фаолиятини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш;
- Тармоқ кенгашлари таркибининг вазифа ва ҳуқуқларини белгилаш ҳамда бажарилишини таъминлаш;
- тармоқ малака рамкалари ва касбий стандартларни ишлаб чиқишни ташкил этиш;
- меҳнат бозорини ўрганиб бориш, унда пайдо бўлиши кутилаётган касбларни тегишли классификаторларга киритиш;

- тармоқ кенгаши фаолияти ҳақидаги маълумотларни акс эттирган ва умум-фойдаланишга мўлжалланган ахборот ресурсларини шакллантириш;
- касбий фаолиятини самарали режалаштириш, ташкил этиш ва назорат қилишда юқори кўникмаларга эга бўлиш;
- касбий вазифаларни бажаришда мураккаб вазиятларда муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ва самарали ечимларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- тармоқ малака рамкалари ва касбий стандартларни ишлаб чиқишни ташкил этиш;
- хорижий илмий маълумотлар базаларидан самарали фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

9.3. Малакани баҳолаш марказлар ходимлари ва баҳоловчилар:

- норасмий ва информал таълим натижаларини мустақил баҳолаш ва тасдиқлаш (тан олиш, валидация қилиш, сертификатлаш);
- талабгорлар малакасини тегишли касбий стандартларга, агар улар мавжуд бўлмаса малака талабларига мувофиқ мустақил ва холис баҳолаш;
- талабгорларнинг ўзлаштириш усулидан қатъи назар, меҳнат бозорида талаб этилган касбий малакаларини баҳолаш;
- ишга қабул қилишда, касб-лавозим тузилмасида ўсишда талабгорларнинг касбий стандартларга (малака талабларига) мослигини тасдиқлаш;
- касб малакалари бўйича норматив ҳужжатлар ва стандартлар бўйича таклифлар тайёрлаш ва уларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- талабгорнинг мавжуд малакасини аниқлашда, холисликни таъминлаш механизмларини жорий этишни билиши.
- талабгорларга малакани ҳаққоний, холис ва шаффоф баҳолашнинг қоидалари ва тартиб-таомиллари тўғрисида зарур ахборот тақдим этиш;
- шахснинг интеллектуал ва касбий ривожланиш даражасини мустақил аниқлаш ва тасдиқлашга бўлган эҳтиёжини қондиришга қўмаклашиш;
- иқтисодиётдаги ўзгаришларга мос равишда касбий малакани баҳолаш бўйича моддий-техника базасини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- талабгорга эксперт комиссиясининг хулосасини, касбий имтиҳондан муваффақиятли ўтган тақдирда, малака тўғрисида гувоҳномани расмийлаштириш ва тақдим этиш;
- касбий стандартларга асосан малакани баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

10.

ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР

10.1. Малака ошириш курсларини муваффақиятли якунлаган тингловчиларга белгиланган намунадаги **сертификат** берилади.

ХОДИМЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИНГ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

11.1. Малака ошириш тизимининг норматив ҳужжатларига мазкур Давлат талаблари, ўқув режалар, ўқув (тренинг) дастурлари, шунингдек ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган бошқа норматив ҳужжатлар киради.

КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ

12.1. Кадрларни малакасини ошириш сифатини таъминлаш тизими — таълим фаолияти ва кўрсатилаётган хизматларнинг жамият эҳтиёжларига мувофиқлик даражасини акс эттирувчи, мутахассислар тайёрлаш даражасини оширишга қўмаклашувчи ўзаро таъсир кўрсатувчи ташкилий тузилмалар, тадбирлар, усуллар, ўлчовлар, кўрсаткичлар ва назорат объектлари мажмуи.

12.2. Тингловчиларни малакасини ошириш сифатини баҳолаш бошланғич ва якуний билимлари натижаларини таҳлил қилиш, шунингдек мутахассислар истеъмолчилари томонидан уларни тайёрлаш сифатига эътирозлар йўқлиги ёки мавжудлиги асосида амалга оширилади.

12.3. Малака ошириш сифатини назорат қилиш қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- Институт томонидан малака ошириш бўйича амалга ошириладиган **ички назорат**;
- Миллий малака тизимини ривожлантириш бўйича Республика кенгаши, Лойиҳа офиси, ва тегишли ваколат берилган органлар томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати ва давлат назоратини ўз ичига олган **ташқи назорат**;
- **давлат назорати** ваколатли давлат органи, республиканинг барча таълим муассасалари таркибидаги таълим сифатини назорат қилиш бошқармалари ва миллий малака тизими бўйича ваколатли орган (Лойиҳа офиси) томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

12.4. Жамоатчилик назорати таълим хизматларининг истеъмолчилари томонидан амалга оширилади.

12.5. Қўшимча малака ошириш дастурлари бўйича ўқишни тугатган ходим томонидан кўрсатилган хизматларни истеъмолчилар томонидан баҳолаш анкеталар, шарҳлар ва шикоятлар орқали амалга оширилади.

12.6. Давлат назорати ваколатли давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.



БИБЛИОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР


Калит сўзлар:

Республика кенгаши, тармоқ кенгашлари, миллий малака рамкаси, касбий стандарт, баҳоловчи марказлари, баҳолаш воситалари, экспертлар.

Қайдлар учун



Миллий малака тизимини ривожлантириш институти



Миллий малакалар соҳасидаги
ходимларнинг малакасини оширишга
қўйиладиган давлат таълим талаблари

Алоқа



+99855-516-54-53



@ info@mmtri.uz



Талабалар кўчаси, 5/1
100095, Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон

